


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

2022 №9

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI



ВЕСТИК ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент



ISSN 2181-7812



Выпуск набран и сверстан на компьютерном
издательском комплексе
редакционно-издательского отдела
Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста : О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском
управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом №
201/3 от 30 декабря 2013года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии
с прилагаемыми правилами, просим направлять
по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе
редакционно-издательского отдела ТМА.
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА № 9, 2022

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноярова

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чои (Корея)

акад. Каримов Ш.И.

проф. Татьяна Силина (Украина)

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Людмила Зуева (Россия)

проф. Метин Онерчи (Турция)

проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

проф. Саша Трескач (Германия)

проф. Шайхова Г.И.

Члены редакционного совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

ТРИБУНА МОЛОДЫХ**STAND OF THE YOUNG**

Стр.

Рўзиев Б.Ў. ЁШЛАР ОНГИ ВА МАЊНАВИЯТИНИ ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ТАЪСИРЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

Roziev B.O. FACTORS OF PROTECTING THE MIND AND SPIRITUALITY OF YOUNG PEOPLE FROM THE INFLUENCES OF THE INTERNET AND SOCIAL NETWORKS 197

O'taev G.G. YANGI O'ZBEKSITON TARAQQIYOTIDA INNOVATSION TAFAKKUR VA YOSHLARNING IJTIMOIY-SIYOSIY FAOLLIGI

Otaev G.G. INNOVATIVE THINKING AND SOCIAL-POLITICAL ACTIVITY OF YOUTH IN THE DEVELOPMENT OF THE NEW UZBEKISTAN 200

ИСТОКИ**ORIGINS**

Стр.

Maxmudov L.Yu. MARKAZIY OSIYODA O'ZBEK IDENTIKLIGI SHAKLLANISHIDA ISLOM DINI OMILI VA AYRIM BELGILARI

Makhmudov L.Yu. THE FACTOR OF ISLAM AND CERTAIN SIGNS IN THE FORMATION OF UZBEK IDENTITY IN CENTRAL ASIA 203

Махмудов Л.Ю. ЁШЛАР ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Makhmudov L.Yu. THE ROLE OF NATIONAL VALUES IN FORMING YOUTH'S ECOLOGICAL CULTURE 205

Искандаров Ш.А. МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ

Iskandarov Sh.A. FAMILY CEREMONIES OF CENTRAL ASIAN ARABS 208

ТРИБУНА МОЛОДЫХ

ЁШЛАР ОНГИ ВА МАЬНАВИЯТИНИ ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ТАЪСИРЛАРИДАН ХИМОЯ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

Рўзиев Б.Ў.

ФАКТОРЫ ЗАЩИТЫ РАЗУМА И ДУХОВНОСТИ МОЛОДЕЖИ ОТ ВЛИЯНИЯ ИНТЕРНЕТА И СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ

Розиев Б.О.

FACTORS OF PROTECTING THE MIND AND SPIRITUALITY OF YOUNG PEOPLE FROM THE INFLUENCES OF THE INTERNET AND SOCIAL NETWORKS

Roziev B.O.

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация. Интернет и социальные сети стремительно развиваются. В стремительно развивающемся информационном потоке важным вопросом является защита духовности от различных идеологических влияний и вредных идей, воспитание вменяемости молодежи. В статье рассматривается влияние Интернета и социальных сетей на сознание и духовность молодых людей и факторы, которые защищают молодёжь от этого.

Ключевые слова: Интернет, информационный поток, различные идеологические воздействия, молодежное сознание, духовность, идеологический полигон, образование.

Annotation. Internet and social networks are developing rapidly. In the rapidly developing information flow, it is an important issue to protect spirituality from various ideological influences and harmful ideas, and to educate young people to be sane. The article discusses the effects of the Internet and social networks on the mind and spirituality of young people and the factors that protect young people from it.

Key words: Internet, information flow, various ideological influences, youth consciousness, spirituality, ideological polygon, education.

Интернетнинг оммалашиб бориши бир қанча қулагилларнинг кашф қилинишини, хаёт суръатларининг тезлашишини ва турли аҳамиятга эга бўлган ўзига хос янгиликларнинг кириб келишига, тарқалишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда ҳётимизни интернетсиз тасаввур қилиш жуда мушкул. Айниқса, ёшлар ҳётида глобал тармоқнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Интернет дунёнинг турли нуқталарида яшовчи одамларнинг ўзаро мулоқотини ҳамда ахборот алмашинувини мукаммал дараражада осонлаштириди.

Юртимизда ҳам интернет тизими ривожланиб, ундан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Тармоқ орқали ахборот излаш, қабул қилиш, узатишнинг жуда қулиш ва оммаболлиги ундан фойдаланувчилар сонининг тобора ортиб боришини таъминламоқда.

2022 йил январида дунё бўйича ундан фойдаланувчилар сони ер юзи ахолосисининг 62,5 %¹ ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб боради. Мамлакатимизда 2022 йилнинг январь ойи

маълумотларга кўра интернетдан фойдаланувчилар сони (мобил интернет фойдаланувчилари билан кўшиб ҳисоблаганда) 27,2 миллиондан ошиқни ташкил этган.² Бундан кўриниб турибдик юртимизда ахборот олиш ва уни тарқатиш имконияти ошиб бормоқда ва бу давр талаби ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса биринчи Президентимиз И. Каримов айтганларидек “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳариди, балки радио- телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”³.

Интернет ва ижтимоий тармоқлар ёшлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-атворларига умуман ёшларнинг маънавиятига таъсир

¹ <http://wearesocial.com>

² <https://review.uz/>

³ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008 й. 71-бет

кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги кундаги ривожи ёшларга ғоявий таъсири ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Аммо, глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, ижтимоий тармоқлар ҳам шундай хусусиятларга эга эканини унутмаслик зарур. Албатта, глобал тармоқ – улкан ресурс. Бироқ, бу ресурсдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам жуда жиддий масалалар сирасида киради.

Тўғри, ахборот технологияларининг кескин ривожи кўл меҳнатини анча осонлаштириб, техника орқали ишлаш имконини берди. Кўл меҳнати орқали баъзи ишларга қўп вақт сарфлар эдик. Ҳозирда бир жойга бориш, ким биландир боғланиш, оғиримизни енгил қилишда техниканинг бизга берган имкониятларини таърифлаш шарт эмас. Керак бўлса иш юритишимизнинг рақами шаклда бўлиши, ижтимоий тармоқлар орқали керакли маълумотлар ва хизматларнинг оммалашганилиги туфайли ишимишни осон ҳал қиласяпмиз.

Бундай тармоқлар орқали исталган жойингизда туриб, жаҳонда рўй бераётган ҳодисалардан боҳабар бўлишингиз, дўст-биродарларингиз ҳолидан хабар олишингиз ёки ҳаётингизнинг муҳим онлари акс этган фотосуратлар, видео лавҳалар ва бошқа турдаги ахборотларни алмашишингиз мумкин.

Шунигдек, бундай имкониятларнинг виртуал оламда кенгайиб бориши, бугунги кунда инсонлардан янада хушёрликни талаб қиласди. Чунки, ҳозирги вақтда дунё бўйлаб кенг фойдаланилаётган ижтимоий тармоқлардаги мулоқотлар чегара билмаяпти. Силлиқ қилиб айтганда, виртуал ҳаёт кундалик турмушимизнинг ажралмас қисмига айланниб улгурди. Шундай экан, виртуал олам инсоннинг ўз қобигидан чиқиши дунёни ёлғон ва сохта нигоҳлар билан кўришига ҳам сабаб бўлмоқда. Ижтимоий тармоқлардаги муносабатлар одобахлоқ чегарасини бузиб ўтмоқда. Бу ўзгача олам инсонни ишдан чалғитаётгани бир масала бўлса, сохта муҳаббат ва дўстлик муносабатлари кўплаб оиласларнинг бузилишига олиб келаётгани ачинарлидир. Бу тузоқ нафақат ёшларни, балки ҳалиҳануз ўзини англамаган катта ва ўрта ёшлиларнинг ҳам ҳаётига чукур кириб келмоқда. Жуда кўп одамлар виртуал мулоқот деб, ҳақиқий воқелиқдан воз кечмоқда. Маълумотларга кўра, виртуал мулоқот уммони катта-кичикни бирдек қаърига тортаёттир.

Виртуал олам таъсирида ҳақиқий ҳаёт билан виртуал борлиқни алмаштириб қўймоқдамиз. Тез танишасан, осонгина дўстлашасан ва тезда ажрашиш ҳам мумкин. Нима бўлаётганини ҳатто ўйлаб ўтириш ҳам шарт эмас. Кейинчалик нимадир ёқмай қолса, унутиб юбораверади. Ҳаётда турли қийинчиликлар ва муаммоларга учраётганлар ижтимоий

тармоқларда жуда фаол. Шу ўринда бир гап. Ижтимоий тармоқлар асосан ўз ҳаётидан норози бўлган одамларни бирлаштираётгандек кўринади. Аммо ўша оламда сизни кўллаб-куватлаб турган инсонлар сизга дўст бўла оладими? Оғир кунда ёнингизда турадими? Кези келса йиллар давомида таниган-билган “яқинлар”ингиз панд беради.

Кўп ҳолларда бир-бирини танимайдиган одамлар нима ҳақида сухбатлашади? Танишув сайтларида вақтини ўтказаётганлар мароқли сухбат кураётгандек бўлади. Ҳамма нарса ўз меърида бўлиши керак. Бу мароқли сухбатлар натижаси шахсий ҳаётингизни бузмаяптими?

Афсуски бундай ҳолатлар, айниқса ёшлар орасида учраб турибди. Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким - ёшлар. Майли, ёшлар ўз давринг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбida доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундан турсин”⁴ деб таъкидлаши айни ҳақиқатдир.

Виртуал олам инсонни манипуляция қилмоқда. Манипуляция – бу фикрий қарамалик орқали ўзига бўйсундириш демакдир. Мутахассислар фикрича, виртуал оламда инсоннинг вақтни идрок қилиш тизими бузилади, ижтимоий фаоллиги камаяди. Энг даҳшатлиси, бу жараёнда виртуал воситаларнинг салбий таъсири маънавий-ахлоқий таназзул билан чегараланиб қолмай, кўп касалликларни ҳам келтириб чиқарар экан...

Бу маълумотларнинг илмий асослари американлик шифокорлар Гвенн ва Кларкэ ўз тадқиқотларида таҳлил қилиб, “ижтимоий тармоқлардан кўп фойдаланиш унга ўрганиб қолиш ва натижада ундан узоқлашиш эса руҳий тушкунликни, яккаланниб қолишни, ўзини баҳтсиз ҳис қилишини ва бу муаммолар жисмоний касалликларни ҳам келтириб чиқаришини”⁵ асосли таъкидлашади”

Мутахассислар фикрича, ахборот-коммуникация технологиялари айни пайтда “кибержиноятчилик” деб номланган янги турдаги жиноятларга ҳам йўл очмоқда. Вирус ва бошқа зарапли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш, хаккерлик хужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш каби жиноятлар шулар жумласидандир. Шундай бузғунчиликни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар ахборот-коммуникация технологияларидан усталик билан фойдаланиб, жамиятга ҳам, кўплаб шахсларга ҳам моддий ва маънавий зараплар келтирмоқда.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом этириб янги босқичга кўтарамиз. Т. “Ўзбекистон” 2017 й.486 бет

⁵ Gwenn Schurigin O’Keeffe, Kathleen M. Clarke Clinical Report-The Impact of Social Media on Children, Adolescents, and Families // PEDIATRICS March 2011,127(4):800-4

Умуман интернетдан фойдаланаётган ёшлар Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек “мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ”⁶ деб берган таърифларини эсда тутишлари лозим. Негаки бугунги кунда сохта ғоялар ва бузғунчи мафкуралар таъсири воситасида ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Юқоридагилардан хулоса чиқарган ҳолда ёшларимизни интернет таҳдидларидан ҳимоя қилиш учун қуидаги омилларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан тарбия энг авало оиласдан бошланади, шунинг учун оиласларда фарзанд тарбиясини ота-оналар жиддий назорат қилишлари лозим бўлиб, вояга етмаган фарзанди мактабда ёки жамоат орасида ҳукуқбузарлик содир этган ота-оналарга маъмурий жавобгарликка тортиш, қатъий тартибда тегишли жаримага тортиш лозим.

Иккинчидан, мактаб, оила ва маҳалла тизимли равишда ҳамжиҳатлиқда ишлшини таъминлаш лозим. Бунда тарбияси ёмон болаларни уларнинг Ота-онаси иштирокида маҳаллаларда тегишли муҳокама қилишни тизимли ташкиллаштириш лозим.

Ҳозирги вақтда мактабларда биргина синф раҳбари, битта мактаб психологининг ўзи етарли ҳисобланмайди. Уларнинг иши ҳам қоғозбозлик билан бўлиб, ўсмир ёшлар тарбисига вақти ва меҳнатинг самарасини қониқарли даражада деб бўлмайди. Шунинг учун, **учинчидан**, мактабларда болаларнинг тарбияси учун директор муовинлари сонини кўпайтириш лозим.

Тўртингчидан, таълим муассасаларида спорт ва фан тўғаракларининг ишини кучайтириш лозим. Аксарият ёшларнинг ҳамма нарсаси етарли ва бўш вақти кўп бўлган ҳолда, виртуал таҳдидлар таъсирига тушиб бормоқда.

Бешинчидан, таълим муассасаларида ҳозирги вақтда аниқ фанлар, табиий фанлар ва тилларга эътибор кучайиб, ижтимоий гуманитар фанлар қисқариб кетди, бу эса ёшларнинг дунёқарашига, ҳаётий тасаввурларига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги аксарият ёшларнинг фикри тез ва осон пул топишга қараб ўзгариб бормоқда. Бу эса ёшларда ва жамиятда енгил яшаш, инсоният қадрини пул билан ўлчашга, миллий қадриятларнинг унтулишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам турини ва соатлар ҳажмини ошириш лозим.

Айниқса бугунги дунёда содир бўлаётган турли виртуал сиёсий найранглар ва интернет орқали

таҳдидларни тушуниш ва таҳлил қилишда тарих, жамиятшунослик, социология, маънавиятшунослик фанларининг етарли даражада ўқитилиши самарали натижини ҳисобга олиш лозим.

Олтинчидан, ёшларимиз ўз вақтларини тўғри тақсимлашлари, китоб мутоласига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Афсуски, интернет ва ижтимоий тармоқда кўп бўладиган ёшларнинг кўпчилигининг ҳаётий тушунчалари, дунёқараши саёзлигича қолмоқда. Виртуал олам гирдобида яшамоқда.

Фикримиз сўнгидаги шундай таъкидлаш жоизки, ижтимоий тармоқларнинг маънавиятга катта таъсир ўтказишини эсдан чиқармаган ҳолда, ҳар бир ёш, маълум бир эзгу мақсад сари ҳаракат қилиши ва ўз илмини мунтазам бойитиб бориши, соғлом фикрда бўлиши чинаккам мақсад сари муҳим қадам ҳисобланади.

Адабиётлар:

- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Т. Ўзбекистон. 2017
- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
- Gwenn Schurgin O'Keeffe, Kathleen M. Clarke Clinical Report-The Impact of Social Media on Children, Adolescents, and Families // PEDIATRICS March 2011, 127(4):800-4
- Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамоиллар. Т. “Ўзбекистон”. 2000 й.
- www.wearesocial.com
- www.review.uz

ЁШЛАР ОНГИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ТАЪСИРЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

Рўзиев Б.Ў.

Аннотация. Интернет ва ижтимоий тармоқлар тез ривожланиб бормоқда. Шиддат билан ривожланиб борётган ахборот оқимида турли мафкуравий таъсир ва зарарли ғоялардан маънавиятни асрар, ёшларнинг соғлом фикрли бўлиб тарбия топиши муҳим масаладир. Мақолада интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ёшлар онги ва маънавиятига таъсирлари ва ундан ёшларни ҳимоя қилиш омиллари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Интернет, ахборот оқими, турли мафкуравий таъсирлар, ёшлар онги, маънавият, мафкуравий полигон, таълим-тарбия.

⁶ Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамоиллар. Т. “Ўзбекистон”. 2000 й. З-бет